# Тарихий лаҳзалар муҳри



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу далилнинг ўзи мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, мавқеи қандай юксак поғоналарга кўтарилганидан далолатдир. Ҳужжатларни имзолаш жараёнида ШҲТга аъзо давлатлар етакчиларининг барчаси Тошкент саммити кутилганидан ҳам зиёд ўтганини бир овоздан таъкидлашди. Шу билан бирга, тадбирни шундай кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга дил изҳорларини баён этишди.

Халқаро бизнес марказида жойлашган саммит матбуот марказида 17 июнь куни журналистлар фаолияти қизғин тус олди. Кимдир телефонда саммит жараёни ҳақида ўзи ишлайдиган нашрга маълумот узатаётган бўлса, яна биров Notebook тугмаларини босиб фикрини компьютер «саҳифасига» муҳрларди. Диктофонлар катта анжуманда сўзланаётган нутқларни оҳиста оҳанграбо тасмаларга туширар, ҳеч бир воситага сиғмаган фикрлар эса ён дафтардаги ёзувларда ифода топарди.

Саммит жаҳонда катта қизиқиш уйғотди. Буни анжуман ишини ёритиш учун дунёнинг юзлаб мамлакатларидан мухбирлар келганидан ҳам билса бўлади. Биргина Россиянинг ўзидан саксонга яқин журналистлар Тошкентга ташриф буюришди. Шу ўринда яна бир гапни таъкидлаш ўринли бўлади. Саммит якуни бўйича ўтказилган матбуот анжумани, катта залда ўтказилган бўлса-да, журналистларнинг анчаси сиғмай қолди. Шунинг учун улар бу жараённи Матбуот марказига ўрнатилган монитордан кузатдилар.

Россиялик ҳамкасбларимиз ушбу саммитга алоҳида тайёргарлик билан келишганини кўпчилик эътироф этди. ШҲТнинг янги тарихи, бу ишга Россия томонининг қўшган ҳиссаси рангли суратлар билан безатилган "Тинчлик, барқарорлик ва халқлар фаровонлиги йўлида" деб аталган тўплам матбуот марказида ҳозир бўлган барча журналистларга тақдим этилди. Унинг муқаддимасида Буюк Ипак йўлининг инсоният тарихидаги ўрни, тинч-тотув турмушга ана шу эзгу йўлнинг барҳаёт анъаналарини тиклаш орқали эришиш мумкинлиги қайд этилган.

Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги ташкил этган фотокўргазма ҳақида аввал хабар қилган эдик. Бу ерда бизни ушбу агентликнинг МДҲ ва Болтиқбўйи дирекцияси директори Леонид Абалян қарши олди. Кўргазма ҳақидаги фикрларимиз билан қизиқди. Террорчиликка қарши турли кенгликларда ўтказилган тадбирлардан ташқари, айнан Россиянинг бир неча шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳам акс этган бу ердаги суратларда. Бошқача қилиб айтганда, терорнинг манфур башараси фош этилган. Айниқса, 2004 йил 9 май куни Грознийда содир этилган хунрезлик оқибатлари даҳшатли манзара касб этган. Тинч аҳолини қўрқув ва таҳликага солиш, ажал қуролларини ишлатиш орқали вайроналар ҳосил қилиш — булар терроризмнинг ёвуз мақсади. Лекин эзгу ниятли инсонлар, соғлом кучлар бор экан, албатта бундай хунрезликларнинг олди олинади. Бугуннинг муҳим иши, ёш бўлсин, кекса бўлсин ҳеч ким огоҳликни, ҳушёрликни унутмаслиги зарур. Шунда барча орзу истакларимиз рўёбга чиқади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## Билимдонларга Тинчлик корпуси йўлланмалари

Фориш туманида ташкил этилган ёзги оромгоҳларда 8-10 синф ўқувчилари, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган инглиз тилини мукаммал билувчи талабалар дам оладиган бўлишди. АҚШнинг Тинчлик корпуси томонидан ташкил этилган ушбу оромгоҳларда махсус синовлардан муваффақиятли ўтган ёшларга бепул йўлланмалар берилди.

Бу ерда АҚШлик 30 нафар кўнгилли ёшлар билан турли хил машғулотлар, давра суҳбатлари уюштириш кўзда тутилган. Эътиборли томони шундаки, мавсум давомидаги барча машғулотлар фақат инглиз тилида олиб борилади. Шу боис оромгоҳда ишлайдиган тарбиячилар ҳам вилоят мактабларидаги инглиз тилини мукаммал биладиган педагоглар орасидан танлаб олинди.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Грант битими имзоланди

**Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида 517 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант битими имзоланди. Грант маблағлари Жаҳон банки қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасига кўмаклашиш учун Япония ҳукумати томонидан тақдим этилди, — дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири А. Азимов.**

**— Мазкур грантнинг имзоланиши Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга муҳим омил бўлади, — дейди Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мартин Райзер.**

**Япония маблағлари ҳисобидан лойиҳа доирасида барпо этилган хусусий агросервисмарказлар ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари молиялаштирилади.**



*Андижон вилоятидаги «Балиқчитекстиль» Ўзбекистон-Германия-Швеция қўшма корхонаси йилига 5500 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган дастгоҳлар ўрнатилганлиги боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатли ва харидоргир. Шу сабабли уларнинг 80 фоизи Германия, Чехия ва Польша каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Жамоа аъзоларининг мақсади тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажмини янада кўпайтириб, шу ҳисобига ишчи ўринлари сонини оширишдир.*

**СУРАТДА: ишчи Муножат Омонова.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Адлия вазирлигида

Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан Инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳ раҳбари, адлия вазири А.Полвонзода олиб борди.

Йиғилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг 60-сессиясида Ўзбекистон Республикаси делегацияси иштироки якунлари муҳокама қилиниб, ҳамкорликни янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ишчи гуруҳининг ишида ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятига эътибор қаратилди. Шунингдек, йиғилишда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциясини бажариш бўйича тадбирлар режасининг ижросига оид масалалар кўриб чиқилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг самарали кафолатларидан бири — судларнинг мустақиллигидир. Бунда уларнинг моддий техника таъминоти масаласи муҳим аҳамият касб этиши табиий. Ушбу масалани муҳокама қилиш жараёнида бу соҳада ижобий натижаларга эришилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга Ишчи гуруҳи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи айрим ташкилотлар томонидан бир қанча тасдиқланмаган асоссиз хабарлар тарқатилаётганлигига эътибор қаратди. Жумладан, "Хьюман Райтс Вотч" ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси А. Шелковенконинг гўёки унга нисбатан ички ишлар идораси ходимлари қийноққа солганлиги оқибатида вафот этганлиги тўғрисида хабар тарқатилганди. Ваҳоланки, Канада ва АҚШ мутахассислари иштирокида ўтказилган суд тиббий экспертиза хулосаси мазкур хабарни буткул рад этганига ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, Идоралараро ишчи гуруҳи зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

**Адлия вазирлиги матбуот хизмати.**

# Ҳосил тақдири

## ўғитга ҳам боғлиқ

Хоразмлик деҳқон билан суҳбатлашсангиз, воҳада ер қаттиқ, дейди. Бу — деҳқончиликда мўл ҳосил олиш учун кўп тер тўкиш керак, дегани. Ҳақ гап. Улар қишин-ёзин тиним билмайди. Замин билан тиллашади. Шу боис ерни қачон ҳайдаш, қачон уруғ қадаш керак, қай паллада парваришга киришиш лозим — ҳаммасини яхши билади. Муҳими, ҳосил чўғи баланд бўлиши учун қўлидан келган барча ишни қилади.

Лекин пахта тақдири яхши парвариш билан бирга ўғит таъминотига ҳам боғлиқ. Етарли даражада озиқлантирилмаган ғўзадан кутилган ҳосилни етиштириш мушкул.

Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши тармоқдаги салбий ҳолатларга нуқта қўйди.

Ҳукумат қарори талаблари ижросини таъминлаш, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, минерал ўғитларни келтириш, сақлаш ва тақсимлаш — тақсимот механизмининг талаб даражасида ишлашига эришиш, мавжуд омбор ва шохобчаларни таъмирлаш мақсадида вилоятда дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳозиргача мавжуд 23 та омборнинг 18 таси ва 23 та шохобчанинг 15 тасида 86,1 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Оралиқ шохобча ва омборхоналардаги минерал ўғитлар Боғот, Хонқа, Шовот, Ҳазорасп, Урганч ва бошқа туманлардаги марказий омборларга ташиб келтирилди.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг Урганч тумани филиали мудири Наримон Абдиримовнинг айтишича, бу ерда ҳозир 7,5 минг тонна сиғимга эга ёпиқ омбордан тўлиқ фойдаланилмоқда. Зарур миқдорда ўғит истеъмолчиларга махсус машиналарда, ички ишлар ходимлари иштирокида, белгиланган вақтда етказиб берилмоқда.

Гап шундаки, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг туман филиаллари билан минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш бўйича 4931 та фермер ва 88 та ширкат хўжалиги шартнома тузган. Шартномавий муносабатлар ўз навбатида буюртмачига ҳам, ижрочига ҳам масъулият юкламоқда, ҳатто, тўлов интизомини ҳам мустаҳкамлаяпти, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаётир.

Насиб этса, бу йил воҳа пахтакорларининг юзи ёруғ бўлади. Бунга ишонч ҳам, асос ҳам бор.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Буюк Ипак йўли

*Келаверар карвонлар,*
*Кетаверар карвонлар.*
*Қадим ипак йўлдир бу —*
*Ҳам севинч, ҳам армонлар.*

*Йигирма бир асрдир,*
*Бардошу ҳам сабрдир.*
*Халқлар қурган қасрдир —*
*Гоҳ созу гоҳ вайронлар.*

*Бунчалар кенг бу очун,*
*Бир томони Чин-Мочин.*
*Инсон ёзса қулочин,*
*Ғурур бўлган осмонлар.*

*Чўлмас кўкларга етган,*
*Ўлмас эркларга етган,*
*Улуғбеклардан кетган*
*Юлдузларга нарвонлар.*

*Оврупоми, Осиё —*
*Бир қуёш, бир ой — зиё,*
*Адолатга, ай дунё,*
*Бағринг бўлсин айвонлар.*

*Инсоният, маконинг —*
*Ўт ҳам сув тўрт томонинг.*

*Маърифат ҳам иймонинг*
*Сенга бўлсин қалқонлар.*

*Биз оламга тикилдик,*
*Гоҳ туриб, гоҳ йиқилдик.*
*Қаддимизни тик қилдик,*
*Келди даври давронлар.*

*Кунчиқардан чиққан кун*
*Сурхонда тунар ҳар кун.*
*Ёпонча сўйлар бугун*
*Термиздаги қўрғонлар.*

*Буюк ипак йўлдир бу,*
*Минг миллат, бир тилдир бу.*
*Аждодлардан қўлдир бу*
*Авлодларга томонлар.*

*Шанхайдан бошланган тонг*
*Тошкентда отса не тонг?*
*Олти султон — бир қўрғон,*
*Эзгуликка сарбонлар.*

*Дунё, сен солгин назар,*
*Манзилларинг бўлгай зар.*
*Абадиятга қадар*
*Тўхтамас бу карвонлар.*

**Сирожиддин САЙЙИД.**

## Тажриба, таҳлил, таққос

*Деҳқончиликнинг ҳар бир йилида орттирилган тажриба ҳам, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам кейинги йиллар учун жиддий сабоқ вазифасини ўтайди.*

**Ислом КАРИМОВ.**



# ПАХТАЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

**Меҳнатга муносабатнинг ўзгаришига, ҳар бир сўмнинг ўринли сарфланишига боғлиқлигини Самарқанд вилояти пахтакорларининг тажрибаси исботлади**

Ўтган йил бу вилоятда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликда жиддий бурилиш даври бўлди. 103,7 минг гектар майдонда деҳқончилик қилган пахтакорлар давлатга 235,1 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси сотиб, шартномавий режани ошириб бажардилар. Ҳар гектар ердан ўртача 22,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Соф фойда эса 6.459 миллион сўмга етди.

Тўғри, 2002 йилда ҳам вилоятда пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси уддаланган эди. Аммо икки йиллик кўрсаткичларни ўзаро таққосласак, бошқа-бошқа манзара намоён бўлади. Гап шундаки, бурноғи йилда тармоқда иқтисодиётнинг харажатлар қисми ошиб кетган бўлса, бултур унинг даромадлар қисми тарозининг оғирроқ палласини босганини кузатамиз.

Қиёс: 2002 йилда қабул пунктларига етказиб берилган 250 минг тонна «оқ олтин»ни етиштириш учун 30.254 миллион сўм харажат қилиниб, якунда 28,756 миллион сўм даромад олинди. Бошқача айтганда, вилоятда пахта тайёрлаш режаси бажарилган бўлсада, тармоқдан 1,489 миллион сўм зарар кўрилди. Сабаб?

Агар буни туманлар мисолида таҳлил қилсак, аксарият жойларда фойда учун эмас, шартнома режасини бажариш учун ҳаракат қилингани аёнлашади. Масалан, Оқдарё туманида режада белгиланган миқдорда, яъни 19 минг тонна пахта етиштирилди. Бунинг учун 2718 миллион сўм сарф-харажат қилинди-ю, бироқ бор-йўғи 2,169 миллион сўм даромад қўлга киритилди. Оқибатда 549 миллион сўм зарар кўрилиб, рентабеллик даражаси минус 20,2 фоизга тушиб қолди.

Пахтачи, Пайариқ, Каттақўрғон ва Иштихон туманларида ҳам ана шундай ачинарли аҳвол юзага келди. Пахтачида зарар миқдори 350 миллион сўмни, Пайариқда — 280 , Каттақўрғонда — 168, Иштихонда эса 167 миллион сўмни ташкил этгани шундан далолат беради.

Кўпчилик раҳбар ва мутахассислар билан суҳбатлашсангиз улар 2002 йил кўклами пахтачилик учун анча ноқулай келгани — асосий майдонларда чигит қайта-қайта экилгани, бу қанчадан-қанча қўшимча маблағни талаб қилгани, қолаверса, вақт бой берилгани туфайли ғўза парвариши ортда қолгани ана шу зарарни келтириб чиқарганини айтиб, ўзларини оқлашга уринадилар. Лекин шундай вазиятда 12,1 минг гектар майдонда деҳқончилик қилган Нарпай тумани пахтакорларининг натижалари барча важ-карсонларни инкор этади. Хусусан, бу ерда ҳосилдорлик 26 центнер ўрнига 27,8 центнерга етиб, ялпи хирмон 33,6 минг тоннадан ошди. Бу — мўлжалдагидан 2,2 минг тонна кўпдир. Пировардида 184 миллион сўм соф фойда ғазнага тушди.

Пастдарғом туманида эса вилоят бўйича энг кўп — 36,1 минг тонна пахта тайёрланиб, 83 миллион соф фойда олишга эришилди.

— Иккала туманда пахтачиликда қўлга киритилган ютуқларда, табиийки, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани, ҳар бир сўмдан ўз ўрнида фойдаланилгани муҳим омил бўлди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Одилжон Абдурайимов муваффақиятлар сирини изоҳларкан. — Шунинг учун ўтган йили вилоят ҳокимлиги, аввало, нарпайликлар ва пастдарғомликлар тажрибасини барча туманларда кенг ёйиш ҳаракатини бошлади. Иккинчидан, тармоққа дахлдор барча тоифадаги раҳбарлару мутахассислар 2001-2002 йилларда вилоят деҳқончилигида йўл қўйилган хато ва камчиликларни чуқур ўрганиб, улардан жиддий сабоқ чиқариб олдилар. Негаки, Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигида қониқарсиз аҳвол сақланиб қолар экан, мамлакат саноати, транспорти, умуман, барча соҳасига ўзининг салбий таъсирини ўтказаверади. Чунки ишчи ҳам, ҳайдовчи ҳам, олим ҳам — ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бирдек эҳтиёж сезади. Шу боис қишлоқ хўжалиги соҳаси муаммолари доимо мутасадди раҳбарлар диққат марказида бўлмоғи даркор.

Одилжон ака тилга олган сабоқлар нималардан иборат эди?

Юқорида 2002 йил якунларига тўхталганимизда, вилоят бўйича ўша йили пахтачиликда 1.489 миллион сўм зарар кўрилганини айтдик. Ваҳоланки, бир йил аввал ана шу кўрсаткич 4.423 миллион сўмни ташкил этганди. Пайариқ ва Челак туманларида эса, айниқса, бу борадаги аҳвол ночор эди. Ахир, дейлик, гектар ҳисобига 22,5 центнер ўрнига атиги 8,8 центнердан ҳосил етиштирилганини, шартнома режаси эса 40 фоизга ҳам етмаганини яна қандай сўз билан ифодалаш мумкин?

Шулар ҳисобга олиниб, маъмурий ислоҳот талабларига кўра, Пайариқ ва Челак туманлари бирлаштирилди. Яна бир қолоқ туман — Гўзалкент Пастдарғом туманига қўшиб юборилди. Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилди. Бу жараёнда фермер бўлишни истайдиган одамлар кўплиги назарда тутилиб, улар ўртасида танлов ўтказилди. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун эса жойларда кўплаб муқобил машина-трактор парклари, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари очилди.

Шу билан бирга, умумхалқ мулки бўлган ерни талон-торож қилиш ҳолларига барҳам берилди, ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчилар, таъминотчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида шартнома интизомига қатъий риоя қилиш, янги ҳосил ҳисобидан аванс тариқасида тўғридан-тўғри кредит бериш тизими йўлга қўйилди.

Айни чоғда қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни ечиш учун ишчи ва деҳқонлар ўзларининг ишлаб чиқаришга бевосита алоқадорлигини ҳис этиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Уларда ерга, мулкка эгалик туйғуси кучайтирилди. Пайчиларнинг жамоа пировард даромадида ўз улушини билишига эришиши учун ҳисоб-китобда чек усули жорий қилинди. Ва ниҳоят, хўжалик фаолиятида иштирок этаётган ҳар бир оиланинг ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши таъминланди.

Амалга оширилган барча чора-тадбирларнинг самараси шу бўлдики, биргина Пайариқ туманида ўтган йили пахтачиликда рентабеллик даражаси 18 фоизга ўсди.

Бу нима дегани? Давлатга 28 минг тонна сифатли пахта ҳосили топширилиб, бунинг эвазига 807 миллион сўм соф фойда олинди.

Нарпай тумани пахтакорлари эса пешона тери эвазига етиштирилган 31,4 минг тонна пахтанинг салкам 90 фоизини биринчи навга сотдилар. Бу уларга 1.179 миллион сўм соф фойда келтирди.

Ёки бўлмаса, Пастдарғом туманидаги Муҳиддин Таниев бошлиқ фермер хўжалиги 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта йиғиштириб олиб, шартнома режасини 180 фоизга бажарди! Муҳими, жами ҳосилнинг 110 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Даромад ҳам, албатта, шунга ярашадир.

Буларнинг ҳаммаси вилоят пахтакорлари режа кетидан қувиш иллатидан қутулиб, тармоқни янада ривожлантиришнинг тўғри йўлидан бораётганларининг ёрқин тасдиғидир.

Самарқандликларнинг бу йилги саъй-ҳаракатлари ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Мисол учун, шу кеча-кундузда вилоят бўйича 103 минг 400 гектар ерда ғўза ўстирилмоқда. Чигит ўтган йилдагига нисбатан 20-25 кун эрта экилгани, уруғ ернинг ўз намида қийғос ундириб олингани, агротехника қоидалари асосида ўз вақтида ишлов берилаётгани туфайли ниҳоллар баравж ривожланаяпти. Натижада ҳосил тугунчалари кун сайин кўпаётир.

— Вилоятимиз деҳқонлари жорий йилда 235 минг тонналик пахта хирмони уйиб, камида 6 миллиард сўм соф фойдага эга бўлишни мўлжалламоқдалар, — деди пировардида суҳбатдошимиз Одилжон Абдурайимов. — Ушбу ният, шубҳасиз, рўёбга чиқади. Пахтакорларимизнинг чин сўзи бу!

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Маъмурий ислоҳот — амалда

***Тез ўзгариб бораётган дунёда ҳаёт воқелиги турмушнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар ҳам бундан мустасно эмас. Тарихий тажриба маъмурий ислоҳотларнинг моҳияти барча замонда ва улар амалга оширилаётган ҳар қандай жойда фақатгина давлат бошқаруви органлари ходимларини қисқартиришдангина иборат бўлиб қолмай, балки, аввало, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартиришдан, бошқарув тизимида маъмуриятчилик вазифаларини чеклашдан, бир-бирини такрорлайдиган тузилмаларни тугатиш ва қайта ташкил этишдан, давлат бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлигини ва масъулиятини оширишдан иборат эканлигидан далолат беради.***

# Ҳудудий бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш:

### *минтақаларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда ҳокимликларнинг вазифаси ва мавқеи*

Яқин ўтмишда иқтисодиётда режали хўжалик ва унга мувофиқ бошқарув тизими устунлик қилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳудудий бошқарувнинг мавжуд усуллари иқтисодиётни бошқаришни бозор механизмларига ўтказиш талабларига мос келмас эди. Бизга мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизими иқтисодиётни қайта ўзгартириш ва бозор муносабатларига ўтиш бўйича кўламли вазифаларни ҳал этишга имкон бермас эди.

Бундай шароитда давлатнинг олдида масъулиятли вазифа турар эди. Унинг моҳияти ҳудудий даражада янги бошқарув тузилмасини шакллантиришдан иборат эди. Ҳокимлар институтининг ташкил этилиши унинг ўзак бўғинига айланди.

Бир қанча асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ҳудудий даражада давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг, жойларда ижро ҳокимиятининг негизларини мустаҳкамлашнинг асосига айланди.

Ҳудудий ҳокимият органларига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш, жойларда Олий Мажлис қонунларини, бошқа қарорларини, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларни, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқани йўлга қўйиш, вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга аҳолини жалб этиш юкланди.

Ўтган давр мобайнида ҳудудий бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш давлатимизнинг диққат-марказида бўлиб келди. Бошқарув ходимлари миқдорини мақбуллаштириш, давлатнинг ортиқча назорат функцияларини қисқартириш бўйича қадамлар қўйилди.

Ҳудудий бошқарув органлари тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида бошқарувнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу чора-тадбирлар муайян босқичда бозор механизмларини, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда иқтисодий дастаклар ва рағбатни кучайтириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди.

Эркинлаштириш сиёсати эълон қилингач марказ билан ҳудудий бошқарув органлари ўртасида ваколатлар аниқ чегараланди. Стратегик аҳамиятдаги масалалар давлат даражасида ҳал этилди, энг муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳудудий шарт-шароитини яратиш, экология, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тузилмани белгиловчи ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди.

Ҳудудий бошқарув органлари фаолиятини комплекс таҳлил этишда давлат бошқарувида ҳамон эски маъмурий-буйруқбозлик тизими қолиплари сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилди. Энг аввало, бу ҳокимият ваколатларини амалга ошириш истагида – ҳеч кимга наф келтирмайдиган ва кераксиз турли-туман буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатномалар, меъёрий ҳужжатлар чиқаришда кузатилди. Ҳанузгача корхоналарнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувдан, кадрлар масаласини ҳал этишгача уни тўғридан-тўғри бошқаришдан воз кечилгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишларнинг аҳволига ҳақиқий баҳо берилди: «...ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди». Маъмурий ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги мажлисидаги чиқишида ифодалаб берилган.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-қарори қабул қилиниши ҳудудий бошқарув органларини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланди. Ушбу қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг узвий қисмидир. Унинг асосий вазифаси ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ва бошқарув тизимида маъмуриятчилик функцияларини чеклашдан иборат. У вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари фаолияти самарадорлигини оширишга ва тузилмасини такомиллаштиришга, уларга юкланган функциялар амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга, ҳудудий бошқарув органлари ходимлари сонини мақбуллаштиришга қаратилган.

Янги тузилмага мувофиқ вилоят ҳамда туманларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бирлаштирилди ва у бир ўринбосарга юкланди. Илгари мазкур масалалар билан вилоят ва туман ҳокимининг тенг мақомли икки ўринбосари шуғулланар эди. Айни пайтда туманларда қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларини ҳал этиш бевосита туман ҳокимига юклатилди, илгари ушбу масалаларни ҳал этиш учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозими мавжуд эди. Шунингдек, бугунги кунда вилоят, туман ҳокимининг биринчи ўринбосарига капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари юкланган. Ўша қароргача ушбу масалаларга икки ўринбосар мутасаддилик қилар эди.

Мазкур қарорда белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, умуман республика бўйича вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларида ва маҳаллий бўйсунишдаги корхоналарда 5991 нафар бошқарув аппарати ўрни қисқартирилди. Вилоят ҳокимликларида 53 нафар бошқарув ходими, туман ва шаҳар ҳокимликларида — 447 ва маҳаллий бўйсунишдаги корхоналарда 5508 ўрин қисқартирилди.

Бундан ташқари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати ходимлари сонини мақбуллаштириш мақсадида вилоят ва қишлоқ туманларида ҳоким ўринбосарлари лавозими ярмига, шаҳарлар ва шаҳар туманларида ҳокимнинг учтадан ўринбосари қисқартирилди. Вилоят ҳокимликларида ҳокимнинг ишдан озод этилган биринчи ўринбосари, ҳокимнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозими қисқартирилди. Қишлоқ туман ҳокимликларида қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосар, ижтимоий масалалар, саноат, савдо ва маиший турмуш бўйича ўринбосарлар лавозими қисқартирилди.

Раҳбар лавозимлар тартибга солинди ва тугатилди, уларга вилоят, шаҳар, туман ҳокими ўринбосари мақоми жорий этилди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қисқартирилган ўринбосарлари вазифалари бошқа ўринбосарларга юкланди.

Бундан ташқари, ҳудудий бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида беш шаҳарда (Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Навоий) саккизта туман тугатилди, бу ерда туман ҳокимликлари ва ҳудудий бошқарув органлари ёпилди. Улар: Сиёб, Боғишамол, Темирйўл, Файзулла Хўжаев, Тўқимачилик, Қирғули, Давлатобод ва Кармана туманларидир. Уларнинг вазифалари юқори турувчи шаҳар ҳокимликлари ва функционал бошқарув органларига берилди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар ҳокимларнинг тегишли ваколатларга эга ўринбосарларида асосий вазифаларни жамлаш ва айни вақтда вилоят, шаҳар ва туман даражасида ҳоким ўринбосарларини анча қисқартиришни таъминлаш имконини берди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш фаолиятда:

давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалда рўёбга чиқаришда, шу жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлаш соҳасида;

уй-жой ва коммунал хўжалиги ишончли ва самарали ишлашини таъминлашга ва идоравий аҳоли пунктларини ободонлаштиришга, инфратузилмани ривожлантиришга;

кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринлари кўпайиши ва аҳоли даромадларининг барқарор манбалари шакллантирилиши учун қулай шарт-шароит яратишга;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти тузилмалари самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишига кўмаклашишга устуворлик касб этиш имконини берди.

Ҳудудий бошқарув органлари тузилмасида якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий хўжалик ҳисобидаги бошқармалар тугатилди. Ушбу ташкилотларга ер майдонлари ажратиш, фуқаролар томонидан узоқ муддатли кредитлар олиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва улардан мақсадли фойдаланилиши, уй-жой ва муҳандислик инфратузилмаси объектлари қурилиши бўйича техник назоратни юритиш, шунингдек зарур қурилиш материалларини тақсимлаш ва улар билан таъминлаш устидан назорат қилиш вазифалари юкланди.

Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари ва тадбиркорларнинг маиший хизмат кўрсатиш туман уюшмалари тугатилди. Уларнинг зиммасига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини зарур асбоб-ускуналар, инвентарь, харажат материаллари ва бошқа хомашё ресурслари билан таъминлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш кирар эди.

Ушбу йўналишлар бўйича бозор муносабатлари учун шарт-шароит шаклланган пайтда бундай функцияларни бажариш ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий ҳокимият органлари тузилмасида мавжуд бўлиши зарурияти йўқолди.

Маҳаллий бошқарув органларини маъмурий ислоҳ қилиш доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилмасидаги кўламли ўзгаришлар тўғрисида дадил сўз юритиш мумкин.

Давлат бошқаруви ва иқтисодиётдаги мавжуд ҳисоботнинг бутун тизими қайтадан кўриб чиқилди. Бу айниқса қишлоқ туманлари учун муҳимдир. Катта миқдорда, кўпинча ортиқча ва кераксиз, амалда наф келтирмайдиган ахборотни тўплаш кўплаб бошқарув тузилмалари учун фаолиятнинг маъно- мазмунига айланиб қолганди.

Эндиликда фақат ишлаб чиқаришни ва маҳсулот сотишни тезкор бошқариш, шунингдек балансларни жорий ва истиқболли башоратларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш учун ҳисобот сақланиб қолинди. Бунда ҳисобот рўйхати қисқартирилибгина қолмай, балки мазмуни ҳам ўзгарди, уларга ҳеч кераксиз кўрсаткичлар чиқариб ташланди ва шулар ҳисобга олинган ҳолда ортиқча бошқарув бўғинлари тугатилди ва қисқартирилди. Мисол учун, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳисобот 60 фоиздан ортиққа, саноатда учдан бир қисмга қисқартирилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Ҳудудий ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш қайси йўналишда амалга оширилмоқда? Булардан биз қандай реал натижалар кутмоқдамиз?

1. Бугуннинг ўзидаёқ иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ўрни кескин камайганлиги сезиларлидир, жойлардаги давлат бошқаруви тузилмалари қисқартирилди, давлат бошқарув органларини таъминлаш харажатлари қисқарди.

Ваколатлар тобора кўпроқ давлатдан жамоат ташкилотларига, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтмоқда. Берилган вазифалар фақат номинал бўлиб қолмай, балки таъсирчан механизм ва амалга оширишнинг аниқ манбалари билан мустаҳкамланган реал функциялардир.

Ижро этувчи ҳокимият давлат органларида сақланиб қолган вазифалар бўйича давлат органлари ва хизматчиларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи ижронинг аниқ тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган. Уларни баҳолаш ва назорат қилиш мумкин.

2. Ислоҳотлар амалга оширилиши, жойлардаги мавжуд ишлар аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, иш билан таъминлаш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш учун барча даражадаги ҳокимликларнинг масъулияти оширилди.

Ушбу йўналишда бугуннинг ўзидаёқ муайян қадамлар қўйилди – айрим вазифалар ҳудудларга берилди, ортиқча вертикал маъмурий тузилмалар тугатилди.

Бизнинг фикримизча, давлат хизматчиларининг самарали ишлаши маъмурий ислоҳотларнинг моҳиятини ташкил этиши зарур. Агар сенинг ҳудудинг, сенинг хизмат жойингда ишлар яхши борса, шу ерда яшовчи аҳолининг фаровонлиги ҳам ўсиши керак. Иш самарадорлигини давлат хизматчиларининг ўзи эмас, балки фуқаролар баҳолаши зарур.

**Ш.РАҲМАТОВ,**
**Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси етакчи мутахассиси.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ**

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ**

**2003-2004 ўқув йилида 9-синфни битирганлар учун қуйидаги йўналиш бўйича қабул эълон қилади:**

**ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР (тарих, ҳуқуқ, инглиз, немис, француз тиллари, информатика).**

***Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлига қадар қабул қилинади.***

***Маслаҳат гуруҳига қуйидаги ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан шахсан тақдим этилади:***

- *таълим муассасаси директори номига ариза;*
- *ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли маслаҳат гуруҳи вакилига ҳужжат топшираётган ўқувчи томонидан шахсан кўрсатилади);*
- *086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;*
- *3х4 ёки 4х6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
- *9-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;*
- *касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказининг тавсияномаси.*

**Манзил: 7000195, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уй.**
**Телефонлар: 135-67-38, 135-67-41, 135-43-39.**

## *Хазораспнинг сара дони*

Хазорасп тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш режасини муваффақиятли адо этдилар. Қарийб ўн иш кунида 3445 гектар ғалла майдонининг асосий қисмидан 5000 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Бу муваффақиятда тумандаги "Хоразм", "Ўзбекистон", "Хазорасп","Эркин" ширкат хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Айни кунларда туманда ғалла ўрими қизғин давом этмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Кичик бизнеснинг мўъжизакор кучи

***Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири — бу кам меҳнат сарфлаган ҳолда, кўпроқ ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, одамларнинг уларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда шу асосда фойда олишдан иборат. Ана шу муддаога эришишда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.***

Гап шундаки, кичик бизнес хўжалик юритишнинг шундай шаклики, бунда корхоналарнинг эгалари — тадбиркорлар давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил иш олиб борадилар. Яъни, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажмини, турларини ўзлари белгилайдилар. Ўз хоҳишига кўра, товарни исталган нархда ва шароитда сотадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Шу билан бирга, ишбилармонлар корхонани ривожлантириш жамғармасига, ижтимоий ишларнинг захира фондига фойдадан ажратмалар меъёрини, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва миқдорини ҳам ихтиёрий равишда аниқлайдилар.

Қолаверса, кичик корхоналарни таъсис этувчилар — юридик ва жисмоний шахслар қонун билан ман этилмаган ҳар қандай фаолият турлари билан шуғуллана оладилар. Айтайлик, улар битимлар тузиши, мулк топиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, нафақат ички, балки ташқи бозорга чиқиши, савдо-сотиқни амалга ошириши, воситачилик қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда ўта муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилингани бунинг далилидир. Жумладан, Президентнинг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» ва 1998 йил 9 апрелдаги «Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонларида ана шу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўсиш тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилган. Уларни рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланиб соддалаштирилгани, бунда бир вақтнинг ўзида унинг муҳандислик тармоқларига уланишга рухсат берувчи ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилиши, солиқ ва статистик органларида ҳисобдан ўтиш масаласининг ҳал этилиши шулар сирасига киради.

Хўш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар қандай самара бермоқда?

Аввало, шуни айтиш керакки, бугунги кунда республикамизда қарийб 250 мингта кичик бизнес корхонаси ишлаб турибди. Бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд аҳолининг 57 фоизи меҳнат қилмоқда. Улар ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизини ишлаб чиқармоқдалар. Қиёс учун бир мисол. 1999 йилда бу кўрсаткич атиги 29,1 фоизни ташкил этган эди.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг ўзида ана шу кичик корхоналарда 375 мингта янги иш ўрни яратилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳани янада ривожлантириш учун учта муҳим масалани ечишга эришмоғимиз лозим. Биринчиси — ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришни таъминлаш. Иккинчидан, соҳани тараққий эттириш орқали кичик бизнеснинг аҳолини иш билан банд этиш ва унинг даромадлари ўсишининг муҳим манбаларига айлантириш. Ва ниҳоят, учинчиси — мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори саналган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришдир.

Агар мазкур вазифалар тўлиқ рўёбга чиқарилса, ишонамизки, кичик бизнес мўъжизакор кучининг бутун қирралари амалда мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

**Шозия АБДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент молия институти магистратурасининг талабаси.**

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

**БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН**

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland

**НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИН МАЖМУАЛАРИ**













Барчага маълумки, ҳаётда содир бўладиган айрим фалокатли ҳодисалар сабабли ногирон бўлиб қолган болалар ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш қувончидан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатлар уларнинг характерлари тобланишига, дунёқарашлари шаклланишига, атроф-муҳитга бўлган муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай болаларда норасолик жиҳатлари шаклланади. Бизнинг вазифамиз — боланинг ушбу камчиликларни енгиб ўтишига ёрдам бериш.

Шунинг учун мутахассислар билан ҳамкорликда ногирон болалар учун болалар мажмуалари, ўйин тизимлари ишлаб чиқарилган бўлиб, улар бунда ўзларининг заифликларини эсдан чиқарадилар, соғлом болалар билан ўйин жараёнига жалб этиладилар.

Болалар руҳияти таъсирчан бўлганлиги сабабли улар тезда ўзларидаги нуқсонларни ва ноқулайликни эсдан чиқарадилар.

Болалар юзидаги табассумни кўриб, меҳнатимиз зое кетмаётганлиги ва кимларгадир шодлик келтираётганлигини қониқиш билан ҳис этамиз.

**Ногирон болаларга мўлжалланган соғломлаштириш мажмуалари ва ўйин тизимларини ишлаб чиқарган фирмамиз 2002 йилнинг декабрь ойида Брюссель шаҳрида ўтказилган «ЕВРОМАРКЕТ-2002» танловида лауреат бўлди.**

**Бош менежер Шавели Матвелиев.**

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

*Маънавиятимиз сарчашмалари*



***Ҳазрати Эшоннинг беназир саховати ҳақида ёзма манбаларда келтирилган ҳикояларга ўтишдан аввал шарқшунос А. П. Комаров 1896 йилда нашр этган афсонадан бир лавҳа келтиришни жоиз билдик.***

***Хожа Убайдуллоҳ Самарқандда истиқомат қила бошлаган бир замонда даҳшатли қаҳатчилик содир бўлганки, ўша қаттол ўлим ва очарчилик балосидан қутилиш мақсадида, эркин халқ хоҳиш билдириб, ўзларини Хожа Носириддин (Убайдуллоҳ)га бахшида қилганлар. Ул зот Самарқанд маҳаллаларида дошқозонлар остириб, уч маҳал шилон қайнатиб, фуқароларни очлик балосидан халос этган. Ўша замонларда унга ҳур ва эркин одамлар ҳомийси — Хожа Аҳрор лақаби берилгандир.***

# Хожа Аҳрор саховати

### Ривоятларда улуғланган зот

Халқ орасида кенг тарқалган нақлларнинг бирида айтилишича, Хожа Аҳрор отининг туёғига олтин тақа қоқтиргани ҳолда, унга ёғоч мих ишлатишни буюрар экан. Олтин тақа тезроқ тушиб қолса, ундан муҳтож одамлар фойдаланса, деган ниятда шу иш қилинар экан. Зотан, исломда ғарибларга пинҳоний хайрия тарғиб қилинади. Ўша қилинган эҳсондан Аллоҳнинг ўзи огоҳ бўлса, кифоядир.

Аслида ҳам, Хожа Аҳрор Валий «менинг молим фуқаролар учундир» деган халқчил тамойилга бир умр амал қилганлар. Бу деган сўз Ҳазрати Эшон ўз бойликларининг ҳисобини билмаган ва юзлаб одамлар томонидан ўша бойликлар сурункасига талон-торож қилинган, деган маънони англатмайди. Хожанинг мулкларида зироат илми асосларини, чорвачиликни, ҳунармандчилигу тижоратни яхши биладиган ҳалол, пок ва садоқатли инсонлар меҳнат қилганлар.

Бошқача айтганда, ўз даври учун улкан хўжаликни бошқаришнинг мукаммал ҳолатдаги тизими ишлаб чиқилган. Узоқ йиллар давомида Хожа Аҳрор мулкларини бошқариш ишига Мавлоно Шайх раҳбарлик қилган ва кенг ваколатларга эга бўлган. Вилоятларда саркор бошилар, туман ва мавзеларда саркорлар бошчилигида хўжалик ишлари юритилган. Улар минглаб деҳқонлар, юзлаб турли-туман касб-корли одамлар меҳнатини ташкил этиб, юқори даражадаги самараларга эришганлар. Демак, Хожа Аҳрор ўз касбини яхши биладиган, фаол, ҳалол, ташкилотчи одамларни саркорликка тайин қилган.

### Қўлёзма манбаларни варақлаганда...

Даҳрийлик мафкураси ҳукмрон бўлган шўролар даврида Хожа Аҳрор бойликларининг тўпланиши хусусида ғайриилмий фикрлар айтилган ҳамда ўша мулклар зўравонлик ва адолатсизлик маҳсули сифатида баҳоланган.

Ваҳоланки, Хожа Аҳрор ҳаётига доир тарихий манбаларда, вақф ёрлиқларида бу муаммони холислик ва ҳақиқат мезонлари асосида рўйи-рост ёритишга имкон берувчи маълумотлар бор. Ўша муаммоларнинг баъзиларига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Аксарият тадқиқотларда айтилишича, Хожа Аҳрор фақат ушр (ҳосилнинг ўндан бири) миқдоридаги солиқни тўлаган, холос. О. Д. Чеховичнинг эътироф этишича, Ҳазрати Эшон подшоҳ хазинасига маъунат-и девонийа ва навоиб-и султонийа, мол-и хирож, ихражот ва такалиф-и дивони каби солиқларни ҳам тўлаган.

Хожа Аҳрор подшоҳларнинг ички сиёсат юргизишида, хусусан, солиқ ва тўловлар масаласида инсоф-адолат мезон бўлиши тарафдори эди. Ҳазрати Эшон шариатда белгиланган (ушр, мол, закот)дан ташқари фавқулодда солиқларни меҳнаткашлар гарданига юклатилишига қарши турган. Хожа Аҳрор савдо-сотиқ, тижорат ва косибу ҳунармандлардан олинадиган тамға солиғи ва ёрғунинг шариатга хилоф эканлигини таъкидлаган, уни бекор қилишга ҳаракат қилган. Тамғанинг мўғуллардан қолганлигини қуйидаги маълумотлардан билишимиз мумкин.

Хожа Аҳрор 1460 йилнинг қаҳратон қишида (8-25 декабрь кунлари) Ҳиротга бориб, Султон Абу Саиддан тижорат солиғи тамғани Самарқанд ва Бухорода бекор қилинишини сўраган. Дастлаб Хожа Аҳрорга тегишли бўлган тижорат солиғи бекор қилинишига ҳукмдор розилик билдирган. Ўша пайтда Хожа Аҳрор тижорат аҳлини ва минглаб косибу ҳунармандлар манфаатини ўйлаб, Абу Саиддан яна бир ҳиммат кўрсатишни, яъни салтанатда умуман барча учун тамғанинг бекор қилинишини илтимос қилган. Абу Саид мирзо Мовароуннаҳр ва Хуросонда тамғанинг бекор қилиниши ҳақидаги фармонни олийга имзо чеккан. Ундан ғоят мамнун бўлган Хожа Аҳрор: «Аъло ҳазрат ажаб иш қилиб, тамға солиғини ҳамма учун бекор қилибсиз», деганларида Султон Абу Саид мен Хожа ҳазратларининг назарида ҳимматсиз киши бўлиб қолишни сезиб, шундай фармон чиқардим, деган экан. Бунинг устига, Хожа Аҳрор тамға солиғини Кичик Осиёда ҳам бекор қилиниши масаласини турк султони олдига қўйган. Профессор А. Н. Болдирев Хожа Аҳрорнинг тамға ва ёрғуни тугатиш борасидаги фаолиятини мутлақо янгича баҳолаб ёзган: «Тамғага қарши кураш йиртқичлик билан халқни таловчи чингизона анъаналардан халос бўлиш» демакдир. Ўша сабабли, Абдураҳмон Жомий «Силсилат аз-заххоб» (Олтин занжир) достонида:

*У саховат ва ирода*
*қуввати билан,*
*Чингиз авлоди исқиртидан*
*холос этди бизни,*

— деб Хожа Аҳрор жасоратини таърифлаган эди.

Хожа Аҳрор ғоят ишбилармон, тадбиркор тижоратчилар раҳнамоси сифатида бутун Мовароуннаҳр музофотида ички савдони, қолаверса, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ва Кичик Осиё билан олиб бориладиган ташқи савдони ҳам ривожлантирган.

Мана шу нуқтаи назардан олганда, «Маноқиби Хожа Аҳрор»да келтирилган қуйидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Хожа Аҳрор Кичик Осиёга Хожа Мустафо Румий исмли савдогарни карвонбоши қилиб юборган. Хожа Мустафо тижорат ишларини тугатиб, қайтишда 13 минг ашрафи (Бир ашрафи XIX асрда Бухорода 4,8 гр. соф олтинга ва 19 кумуш тангага тенг бўлган) миқдорида маблағ ва кўплаб саноат моллари, матолардан иборат совға-саломларни ишончли дўстлардан келтирган. Хожа Аҳрор ўша маблағ ва совғаларни Қарши кўприги қурилиши ва бошқа бунёдкорлик ишларига сарф қилган. Демак, Хожа Аҳрор мамлакат ободлиги, фуқаролар фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳалол ва соғлом тижоратнинг ўсишига тарафдор бўлган.

Албатта, солиқ ва тўловларнинг адолатли тизимини шакллантириш ҳукмдорларнинг хазинасига тушаётган маблағнинг камайишига, муайян маънода молиявий қийинчиликларни ҳам келтириб чиқарган.

«Маноқиби Хожа Аҳрор»да Султон Аҳмад мирзо тилидан қуйидаги ҳикоя келтирилади: «Бир куни камхаржлик туфайли катта (молиявий) қийинчиликка дучор бўлдик. Биз амирлар билан маслаҳатлашиб аҳолига дах йаздах (солиғини) солишга қарор қилдик. Менинг ўйимга келдики, мабодо Ҳазрати Эшонга бу ҳақда хабар бермасак, ул зот биздаги қийинчиликлардан воқиф бўлмай қолади ва (солиқни) тақиқлаб қўяди...». Шу пайт Ҳазрати Эшоннинг мулозимларидан бири Мавлонозода эшикдан кириб келди ва айтдики, Хожадан сизларга харажатларингиз учун бирмунча маблағ олиб келдик. Ҳисоблаб кўрсак, 10 минг кумуш танга (1 танга 24 динорга тенг), 240 минг кумуш динор чиқди. Натижада аҳоли қўшимча дах йаздах (яъни ҳосилнинг 10 фоизи) солиғидан озод бўлди.

«Маноқиби Хожа Аҳрор»да ёзилишича, Умар Шайх мирзо Тошкент аҳолисига навбатдаги солиқни солганида уни тўлашга халқнинг қурби етмас эди. Ўша оғир ҳолатни сезган Хожа Аҳрор бир йиллик солиқ тўловини — 25 минг динорни, кейинроқ қўшимча тарзда 70 минг динорни тўлаб, халқнинг дардига малҳам бўлди.

Шу ўринда Хожа Аҳрор Валийнинг яна бир хайрли ишига тўхталиш зарур, деб биламиз. Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин» асарида ҳикоя қилинишича, 1489 йили Туркистонда даҳшатли қаҳатчилик ва очарчилик содир бўлган. Бу нохуш хабарни эшитган Хожа Аҳрор Тошкентга охирги маротаба келиб, қаҳатчиликка мубтало бўлган халққа мурувват кўрсатади. Ўша йилнинг кузида ҳар куни сўйилган еттита қўй гўшти ва етти юзта нонни Муҳаммад Қозининг шахсан ўзи ночор аҳволга тушганларга тарқатган. Бунинг устига, Тошкент атрофларидаги қишлоқларда етиштирилган ва Хожага тегишли бўлган қовун ва бошқа полиз маҳсулотлари ҳам тарқатилган. Халққа тарқатилган ўша эҳсонларнинг боришини шахсан Хожа Аҳрорнинг ўзи назорат қилиб турган.

Хожа Аҳрор сийратидаги саховатлилик ва мурувватлилик хислатларига ҳамоҳанг бўлган бошқа фазилатлари ҳақида ҳам қисқача сўз айтишни жоиз билдик. Ундаги яна бир фазилат таъмадан жирканиш, туҳфа олмаслик эди. Шу жиҳатдан «Рашаҳот»да келтирилган қуйидаги лавҳа эътиборга лойиқдир. Хожагон тариқатига мансуб мавлоно Аҳмад Коризий алайҳирраҳма мавлоно Саъдиддин Қошғарийдан таълим олган эдилар. Устозининг вафотларидан сўнг, Хожа Аҳрорга ихлос қўйиб, оқ жундан тўқилган чакмон ва бошқа сарполарни туҳфа қилиб Самарқандга юборади ва ўша кийим-кечакларни кийиб юришларини Эшон ҳазратларидан илтимос қилади. Хожа Аҳрор Валий ўша кийимларга муборак назарини ташлаб: «Бу кийимларни кийсак бўлур, чунки улардан дўстлик ҳиди келадур» дейдилар. Лекин бутун умри давомида ҳеч кимдан бирон нарса қабул қилмаслик ҳақидаги одатига амал қилиб, эгасининг иззат-нафсига тегмайдиган тарзда, узр билан туҳфани қайтариб юборадилар.

Мана шу тарзда, Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг саховати ва беадад мурувватлари, ажойиб фазилатлари ҳақида фикр юритдик. Истиқлол мафкураси ғоялари ёшларимиз орасида кенг тарғиб қилинаётган ҳозирги шароитда Хожа Аҳрор Валий каби улуғ зотларнинг меҳр-мурувват, саховат хислатлари аждодларимиз тарихида чуқур илдиз отганлигидан далолат беради.

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**
**Зокиржон ҚУТИБОЕВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

*Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига !*

**ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, BY-300, BY-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга !**

**«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ**

*сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.*

*Қуйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.*

*Ҳисоб-китоб — турли шаклда.*

**Дилерлик марказларимиз қуйидаги манзилларда жойлашган:**

| № | Манзил | Дилерлик марказлари номи | Директорлар исм-шарифи | Телефонлари |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Қашқадарё вилояти** | | | |
| 1. | 731101, Косон шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 55-уй. | ТТЗ «Косон-сервис» | Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи. | код 37559, 32262, 32697 |
| 2. | 731306, Ғузор шаҳри, «Пахтазор» маҳалласи. | "ТТЗ — ММТП" Ғузор | Зарипов Соатмурод Малеевич | код 37555, 22234, 21397 |
| | **II. Сурхондарё вилояти** | | | |
| 3. | 733000, Денов шаҳри, Остонақулов кўчаси, 107-уй. | ТТЗ «Сурхондарёсервис» | Чориев Абдусалом Ғаффорович, | код 37641 24601, факс: 21626 |
| 4. | 733606, Сариосиё шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй. | ММТП "Сариосиё" | Эшонқулов Тўхтасин, | код 37641, 31868 |
| 5. | 733414, Олтинсой тумани, Қорлуқ қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 24-уй. | ММТП «Олтинсой» | Ҳусанов Абдураҳмон, | код 37647 51778, уйи: 51578 |
| 6. | Ангор тумани, "Талимарон" хўжалиги, 1-бўлим, «Қорасув» маҳалласи. | ММТП "Ангор" | Шауманов Тўра Шоуманович. | код 37631, 22047 |
| | **III. Хоразм вилояти** | | | |
| 7. | 741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй. | Хоразм техника маркази | Юсупов Маматсалой, | код 36239, 91932, 92609 |
| 8. | 740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси. | Янгибозор | Қаландаров Қадам. | уяли: 1545062 |
| | **IV. Жиззах вилояти** | | | |
| 9. | 708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй. | Жиззах техника маркази | Жўраев Холмурод | код 37222, 31821, 31526 |
| | **V. Фарғона вилояти** | | | |
| 10. | 713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи. | Фарғона техника маркази | Раҳмонов Маҳмуд Холматович | код 3732, 255733 |
| | **VI. Наманган вилояти** | | | |
| 11. | 716003, Наманган шаҳри, «Шимолий саноат зонаси», Поляковский к., 19-уй. | Наманган вилояти техника маркази | Зиятов З.С. | код 36922, 40764 |
| | **VII. Қорақалпоғистон Республикаси** | | | |
| 12. | 743700, Тўрткўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй. | Қорақалпоғистон техника маркази | Мадраимов Илҳомбой Давлатович | код 361 5323293 2214975, 2211200 |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

**пахта толасини сертификатлаш Ўзбекистон «Сифат» маркази**

**Фарғона шаҳрида ҳудудий лаборатория учун қўшимча бино, намуна сақлаш хоналари қурилиши учун тендер эълон қилади.**

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 120-59-30, 120-59-23. Факс: 144-65-24.**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**

**М.УЙҒУР номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ**

**2004 йил 25-30 июнь кунлари «Талаба ёшлар ижодиёти V кўрик фестивали» ҳамда ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИ ўтказади.**

Манзил: Тошкент ш., Юнус Ражабий к., 7-уй (мўлжал — метронинг «Космонавтлар» бекати).

Маълумот учун телефонлар: 56-28-80, 56-29-83.

**Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи «Фулонг Индустриал» ҚК**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.**

*Нархлар — келишилган ҳолда. Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*

*Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Маккажўхори сотиб оламиз.*

Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор қ., «Зироат» кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 58-48-97, 108-91-35, факс: 120-58-24, e-mail: tglst@bcc.com.uz

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом»нинг 49-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2004 йил 8 июндан тўхтатилади:**

- «Нурафшон» телевидениесига теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга 2003 йил 26 августда берилган АА серия 0000293 рақамли;
- «BAF SERVIS» хусусий фирмасига ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга 2004 йил 12 мартда берилган АА серия 0000512 рақамли.

*Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси ТИАА «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан «Тараққиёт учун озиқ-овқатлар» дастури асосида тақдим этилган қўшимча ҳажмда СОЯ МОЙИНИ миллий валюта — сўмга сотиш учун тендер савдолари эълон қилади.**

*Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 19 июль соат 17.00гача.*

*Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Тел.: 68-25-51, 68-75-10. Факслар: 68-75-96, 68-27-42.

**Корхона қурилиш молларини таклиф этади**

Улгуржи нархларда.

**Линолеум** — Россия, эни 1,5 м., 2 м.

**Гулқоғоз (обои)** — Россия, Беларусь, ҳар хил кўринишларда

**Ламинат** — Германия HDM корхонасида ишлаб чиқарилган

**ва бошқа қурилиш материаллари.**

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76, (3732) 24-82-00, 24-92-74.

Маҳсулот сертификатланган.

**Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади**

**ШИНА**

- ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
- АВТОБУСЛАР УЧУН
- ТРАКТОРЛАР УЧУН
- ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

**Улгуржи нархларда.**

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 137-10-14, 137-47-78, 137-47-31, (3732), 24-77-84, 24-71-68.

Маҳсулот сертификатланган.

**Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!**

**«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

ЎзР ФА В. И. Романовский номидаги Математика институти жамоаси институт етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари доктори Ў. А. Розиқовга укаси

**Жамшид РОЗИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси «Амалиёт» бўлими бошлиғи Қодир Жўраевга падари бузруквори

**ТУРҒУНБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Х. Эшмонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5